

Ислом мукаммал дин



19:00 / 14.01.2025 2003

﴿يَجْزُونَهُمْ وَلَا عَلَيْهِمْ خَوْفٌ فَلَا ضَلِيلًا وَعَمِلَ الْآخِرَ وَالْيَوْمَ بِإِلَهِ أَمَرَ مِنَ وَالصَّيِّئِينَ هَادُوا وَالذَّيْبَ ءَامَنُوا الَّذِينَ إِنَّ﴾

«Албатта, иймон келтирганлар, яҳудий бўлганлар, собийлар ва насоролардан кимки Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса ва солиҳ амал қилса, уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар»
(Моида сураси, 69-оят).

Бунга ўхшаш оятнинг тафсири «Бақара» сурасининг 62-оятда ҳам ўтган. Аҳли китоблар Аллоҳ таолога берган аҳдларини бузиб, Тавротдан ва Инжилдан чекинганликлари аввалда эслатиб ўтилгани боис, бу оятда ҳақиқий аҳли дин бўлиш учун зарур умумий қоида баён қилинмоқда. Ким бўлишидан қатъи назар – хоҳ мусулмон бўлсин, хоҳ яҳудий бўлсин, хоҳ Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келишларидан олдин бутларга

сиғинишни тарк этиб, ўз ҳолича, муайян бир динга эргашмасдан, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилган собийлар тоифаси бўлсин, хоҳ насроний динидагилар бўлсин – Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтириб, яхши амал қилиши керак. Акс ҳолда ўзларига ёмон бўлади. Шу боисдан ҳам, оғизда ўзининг қайси динга мансублигини айтиб, мақтанишдан ҳеч фойда йўқ. Ҳар қавмнинг ўз дини ҳукм суриб турган пайтда амал қилгани фойда беради, холос. Қолган ҳаммаси бекорчи гап. Ҳар диннинг муддати тугаб, уни бекор қилувчи дин келганда, янги динга ўтиш зарур. Муддати қиёмат кунигача тугамайдиган охириги ва мукаммал дин бўлмиш Ислом келганидан кейин ҳамма унга ўтиши, Аллоҳга, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга, Қуръонга ва иймон келтирилиши лозим бўлган яна бошқа нарсаларга иймон келтирилиши ҳамда яхши амаллар қилиши лозим. Ана шундагина:

«...уларга хавф йўқ ва улар маҳзун ҳам бўлмаслар».

«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди